

ТАЪЛИМДА (АКТ) АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Гайибжанов Алижон Валижонович

*Наманган вилояти Тўракўрғон тумани Ахси МФЙда жойлашган 22-мактаб
информатика фани ўқитувчиси 1-тоифали ва Google for Education сертификати
соҳиби. Иш стажи 20 йил.
goyibjonovalijon@gmail.com*

Аннотасия: Мақолада, умумий таълим мактабида информатика фанини
ўқитишида ахборот технологиясидан таълимда фойдаланиш моҳияти ва педагогик
амалиеётда қўлланиши ҳақида ёзилган. Унда барча фанлар ўқитувчилари ҳамда
ўқувчилар фойдаланишларига тавсия берилган ва фойдали жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: Google for Education, Google disk, classroom, account, google docs,
google sheets, google slides.

“GOOGLE FOR EDUCATION” МИСОЛИДА

Google for Education



Ўзбекистонда 2023 йил «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон қилиниши биз педагоглар АКТ дан унумли фойдаланган ҳолда дарсларни ташкил этсак таълим сифати янада ортади, ҳамда замонавий ўқитиш тизими жадаллаб боради, ўқувчиларимиз чет элда таҳсил олсалар ўқитиш методикасига осонлик билан мослашадилар. Ҳозирда ОТМларда онлайн ва оффлайн платформалардан кенг кўламда фойдаланиб келинмоқда.

Айни вақтларда рақамлаштириш сиёсати — жамиятнинг турли соҳаларига, жумладан таълим соҳасига ҳам рақамли технологияларни жорий этмоқда.

Ҳозирда дунё миқёсида универсал платформа (онлайн ва оффлайн) фойдаланиш ҳозирда оммалашиб бормоқда. Улардан “Google for education” таълим платформаси мисолида фойдаланишни кўриб ўтамиз.



“Google for education” платформаси иловаларидан түлиқ фойдаланиш учун биринчи навбатда гоогле ҳисоби (Google account) бўлиши hamda Веб браузер (“Google Chrome” тавсия этилади) талаб этилади.

“Google for education” барча операцион тизимларда ишлай олади (Windows, iOS, Android, Linux)


Зарурий илова ва хизматлар:



Google classrom — дарсларни асосий бошқарувчи: ишланмалар, вазифалар ташкиш килувчи.

Google contacts — ўқитувчи, ўқувчилар гугл ҳисоблари рўйхати;

Google drive — дарсга оид материалларни (аудио, видео, фото ва дарс ишланмалар ва тақдимотлар) сақловчи булуутли хотира;



Google drive — дарсга оид материалларни (аудио, видео, фото ва дарс ишланмалар ва тақдимотлар) сақловчи булатти хотира;

Google docs — ҳужжат яратиш ва таҳрирлаш Word каби;

Google slides — тақдимот яратиш ва таҳрирлаш

Powerpoint каби;

Google sheets — электрон жадвал яратиш ва таҳрирлаш Excel каби;

Google meet — видео ва аудио алоқа, файлларни улашиш.

Қўшимча дастурлар:



Google calendar — дарс вақти ва топшириқ муддатларини белгилаш;

Google chat — файл алмашиш, реал вақтда чат суҳбатлар;

Google photos — дарсга оид фото суратларни тартибли сақлаш;

Google maps — дунё харитасидан фойдаланиш;

Google forms — анкеталар яратиш, тестлар тузиш;

Google earth — Ер сайёрасининг глобус шаклида географик кўриниши.

Ушбу хизматларни юклаб олишингиз мутлақо бепул ҳисобланади. Шунчаки google хисоби орқали ушбу иловалардан фойдалана оласиз. Энг қулай томони ҳужжат тайёрланса автоматик тарзда google дискга сақланади, бир вақтниниг ўзида жамоа бўлиб фойдаланишлари мумкин. Фойдаланувчи исталган жойдан исталган АКТ қурилмаларда ўз хисоби орқали ҳужжатларни келган жойидан давом эттириши ва у устида ишлашини давом эттириши осон бўлади.

Хуроса қилиб айтганда “Google for education” таълимда қўллаш орқали рақамлаштириш даврида миллий ҳамда чет эл таълим ресурсларидан фойдаланиб дарслар сифати, қизиқарлилиги кескин ошади.

Ўқитувчилар ушбу платформада дарсларни ташкиллашларида аввалига бир оз қийинчиликларга дуч келишлари табиий, аммо вақт ўтиб тайёрлаган дарс ишланмалари ва материаллари ҳамда таълим ресурслари кўпайиб боришини ҳисобга олиб айтганимизда ўқитувчининг иш дастури ҳар бир мавзуга оид кўргазмали материаллар тўлдириб борилади ҳамда кейинги синфлар дарсларига тайёр материал бўлиб ўқитувчига енгиллик бўлади. Бундан ташқари ўқитувчилар ўзаро тажриба ва тайёр дарслардан алмашишлари, масофадан туриб ҳамкорликда ёки якка ҳолда дарс ўтишлари мумкин бўлади.

Хозирда онлайн ва офлайн тарзда таълим берувчи ОТМ лар кўпайиб бормоқда, айниқса чет давлатларда универсал таълим йўналишида таҳсил олишни ният қилган ўқувчиларимиз учун жуда ҳам мақсадли бўлади.

Таълим берувчилар ҳам оловчилар ҳам ушбу платформадан фойдалансалар таълим сифати ошиб боради, чет эл таълим тизимларидан фойдаланиш ҳам анча осонлашади. Ўқитувчилар дарс ташкиллашда, ўқувчилар эса таълим олишда ҳозир ва келажакда касбий меҳнат фаолиятларида катта қийинчиликларга дуч келмайдилар деб ишонаман.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Edu.google.com сайтидан Google for education йиғналиши бўйича манбаалардан фойдаланилди.